O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2007 йил 30 март, № 62 (4215) Жума

СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИК – АМАЛДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 29 март куни Оқсаройда Корея Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, таълим ва инсон ресурсларини ривожлантириш вазири Ким Шин Илни қабул қилди.

— Сизни фақат Корея Республикаси Бош вазирининг ўринбосари эмас, балки таълимга оид ҳамда ижтимоий дастурлар бўйича етук мутахассис сифатида ҳам ҳурмат қиламиз, — деди Ислом Каримов. — Юртингиздаги таълим соҳасидаги ислоҳотларда, ижтимоий ўзгаришлар ва инсон ресурсларини ривожлантиришда сизнинг ҳиссангиз катта экани маълум.

Таъкидлаш жоизки, Корея Республикасининг таълим соҳасидаги ислоҳотлари кўп жиҳатдан Ўзбекистондагига ўхшайди. Ушбу мамлакатнинг таълим тизими мактабни, коллеж ва университет, жумладан, магистратурани ўз ичига олади. ЮНИСЕФ экспертлари Жанубий Корея таълим тизимини саноати ривожланган мамлакатлар орасида энг самарали, деб эътироф этган.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида барча соҳаларда, хусусан, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бормоқда. Бу борада таълим соҳасидаги алоқалар алоҳида ўрин тутади.

Корея Халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) йўлланмаси билан иқтисодиёт, тиббиёт, таълим каби муҳим соҳаларда хизмат қилаётган юзлаб юртдошларимиз Жанубий Кореядаги махсус курсларда малака оширяпти. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузурида Ахборот технологиялари маркази ишлаб турибди.

Президент Ислом Каримовнинг 2006 йил март ойида Корея Республикасига давлат ташрифи чоғида мамлакатларимиз ўртасида Стратегик шериклик тўғрисида қўшма декларация имзоланди. Унда таълим соҳасидаги ҳамкорликка катта аҳамият берилган. Зеро, ҳар қандай мамлакатнинг эртанги куни бугун тайёрланаётган кадрларга боғлиқдир.

Корея Республикасининг Иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик жамғармаси — EDCFнинг Ўзбекистонда таълим соҳасини ахборотлаштириш бўйича лойиҳасида мамлакатимиздаги бир ярим мингдан ортиқ мактабга 22 мингта компьютер етказиб бериш ва Мультимедияли таълим дастурларини ривожлантиришга доир марказ ташкил этиш кўзда тутилган. 2005 йилда KIPA ташкилоти ушбу лойиҳанинг техника-иқтисодий асосини ўрганиб чиқди ва бир йил ўтиб Корея Республикасининг Экспорт-импорт банки бунинг учун 29,6 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратди. 2006 йилги Сеул саммитида Ўзбекистон Молия вазирлиги билан Корея «Эксимбанк»и ўртасида тузилган битимда айнан ана шу назарда тутилган.

Мамлакатларимиз Фанлар академиялари, маданият ва санъат намояндаларининг ҳамкорлиги ҳам ривожланиб бормоқда. Турли симпозиумлар, рассомларнинг кўргазмалари ўтказилмоқда. Ҳар икки йилда Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида кореялик созанда ва хонандалар қатнашиб келмоқда. Юртдошларимиз Корея киноларини севиб томоша қилишади.

Ким Шин Ил Корея Республикаси Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдорлигини, хусусан, таълим соҳасидаги алоқаларни ҳар томонлама мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратишини таъкидлади.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида гуманитар соҳадаги кенг қамровли ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).

СУРАТЛАРДА: қабул пайти. Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 29 март куни Оқсаройда ФИФА президенти Йозеф Блаттерни қабул қилди.



Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, футболни ривожлантиришда ушбу нуфузли ташкилот билан ҳамкорлик муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

— Биз Сизни нафақат ФИФА президенти, балки миллий ва халқаро футбол ривожига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган етук арбоб сифатида ҳам яхши биламиз, — деди Ислом Каримов.

Бутун дунёда футбол билан боғлиқ жараёнларни бошқариш учун ягона бир ташкилот тузиш зарурати ўтган аср бошларида пайдо бўлган эди. Футбол мусобақалари кўпайиб, оммавийлашиб бориши натижасида 1904 йил 21 май куни Парижда Халқаро футбол федерацияси — ФИФАга асос солинди. Ташкилот 1930 йили Уругвайда футбол бўйича биринчи жаҳон чемпионатини ўтказди. Иккинчи жаҳон уруши даврини ҳисобга олмаганда шундан буён ҳар тўрт йилда жаҳон биринчилиги ташкил этиб келинмоқда.

ФИФА спортни, жумладан, футболни оммалаштириш ва ривожлантириш борасида Ўзбекистон қўлга киритаётган ютуқларни юксак қадрлайди. Зеро, истиқлол йилларида ўзбек футболи тараққиёти янги босқичга кўтарилди. Президент Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда спортнинг барча турлари сингари футболни ривожлантиришга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. 1996 йилнинг 17 январида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 1996 йилнинг 13 мартида «Футболни ривожлантиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётир. Натижада юртимизнинг барча вилоят, шаҳар ва туманларида футболни ривожлантиришга эътибор кучайди. Ёшлар, айниқса, болаларнинг спортнинг бу оммавий тури билан шуғулланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Футболни ривожлантириш ва спортчилар камолоти борасида кўрсатилаётган ана шундай эътибор ва ғамхўрлик ўз самарасини бермоқда. Мамлакатимиз футбол жамоалари халқаро мусобақаларда кўплаб совринли ўринларни қўлга киритмоқдалар. 1994 йили футболчиларимиз Японияда ўтган Осиё ўйинларида ғолибликни қўлга киритгани бунинг ёрқин далилидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 1 май куни қабул қилинган «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори юртимизда футболни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлаётир. Давлатимиз раҳбарининг спорт, жумладан, болалар спорти ривожига кўрсатаётган ғамхўрлиги шаҳар ва қишлоқларимизда қад ростлаётган замонавий спорт мажмуаларида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Албатта, бу эътибор замирида соғлом авлодни вояга етказишдек хайрли мақсад мужассамдир.

Йозеф Блаттер 2004 йили ҳам Ўзбекистонга келган эди. Бу safar унга Осиё футбол конфедерацияси президенти Муҳамад Хаммам Ал-Абдулла ҳамроҳлик қилмоқда. Уларнинг юртимизга ташрифи асосида «Гол-1» лойиҳаси доирасида Ўзбекистон футбол федерациясининг янги биноси, сунъий газонли стадион фойдаланишга топширилди.

Ислом Каримов Ўзбекистонда футбол дастурларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга қўшган улкан ҳиссаси, ёш соғлом авлодни шакллантиришдаги иштироки ҳамда халқлар ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашдаги самарали фаолияти учун Йозеф Блаттерга «Дўстлик» ордени, Муҳамад Хаммам Ал-Абдуллага «Шуҳрат» медалини топширди.

Меҳмонлар юксак эътибор учун Президентимизга миннатдорлик билдирдилар.

Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистон Футбол федерацияси билан ФИФА ва Осиё футбол конфедерацияси ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).

СУРАТДА: қабул пайти. Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси тўғрисида

АХБОРОТ

29 март куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси очилди.

Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, фаолияти Сенатнинг ялпи мажлиси кун тартибига киритилган масалаларга дахлдор давлат органларининг раҳбарлари ҳозир бўлдилар.

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Сенаторлар ўз ишларини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан Қонунчилик палатасига лойиҳалари киритилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунини ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини, шунингдек «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқишдан бошладилар.

Шу нарса алоҳида таъкидландики, мазкур ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш зарурияти, мамлакатимизнинг давлат ва ижтимоий турмушида сиёсий партияларнинг роли ҳамда ўрнини кучайтиришга қаратилган азму қарор тақозоси эди.

Ана шу қонунлар лойиҳа тарзида кенг кўламдаги умумхалқ муҳокамасидан ўтди. Мамлакатимизнинг турли минтақаларида фақатгина сенаторлар, маҳаллий Кенгашлар депутатлари иштирокида 300 дан ортиқ конференция, семинар ва давра суҳбатлари ўтказилди. Уларда мазкур қонунлар сиёсий партияларга ижтимоий-сиёсий жараёнларга таъсир ўтказиш, давлат бошқарувини янгилашда, мамлакатни янада демократлаштиришда фаол тарзда иштирок этиш учун улкан имкониятлар яратиб беради, деб таъкидланди.

Қонун лойиҳалари кенг доирадаги чет эллик боорбў экспертлар, сиёсатшунослар, олимлар ва журналистларда катта қизиқиш уйғотди, улар бу қонунлар умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига батамом жавоб беришини ҳамда Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни янги босқичга кўтариш имконини беришини таъкидлаб ўтдилар.

Сенат мажлисида сўзга чиққанлар томонидан шу нарса таъкидландики, мазкур қонунлар ҳокимият вакиллик ҳамда ижро этувчи тармоқлари органларини шакллантиришда сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг амалий иштирокини, ўзаро бир-бирини тийиш ва мувозанатни сақлаш тизими чинакамига фаолият кўрсатишини, парламент фаолияти янада демократлашиб боришини таъминловчи самарали ҳуқуқий механизмларни яратади ҳамда аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти даражаси ошишига кўмак беради.

Юқорида айтиб ўтилган қонунларнинг қабул қилиниши ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг давоми, мамлакатнинг давлат-ҳуқуқий ва сиёсий тизимини босқичма-босқич тадрижий ривожлантиришнинг натижаси, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари ташланган муҳим қадам бўлиб қолади, бутун сиёсий тизимга, давлат қурилиши тизимига, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар, мамлакатни демократик жиҳатдан янгилаш жараёнларига чуқур таъсир ўтказади. Сенаторлар ушбу қонунларни маъқулладилар.

Шундан сўнг «Ипотека тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун кўриб чиқилди. Сенаторлар бу ҳуқуқий ҳужжатнинг аҳамиятига урғу берар эканлар, киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар асосида Фуқаролик кодекси гаровга олувчининг талабини гаровга қўйилган кўчмас мол-мулк ҳисобидан судга мурожаат қилмасдан қаноатлантиришга асосланган янги тартиб билан кенгаяётганлигини таъкидладилар. «Гаров тўғрисида»ги ҳамда «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонунларга киритилаётган ўзгартишларда ипотекали кредитлаш соҳасидаги

(Давоми 2-бетда).



Тошкент – ислом дунёсининг муҳим маданий маркази

Мамлакатимизнинг Теҳрондаги элчихонасида Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан 2007 йилда Тошкент шаҳрининг ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Анжуманда Эроннинг расмий, ижтимоий-сиёсий, академик доиралари, Теҳронда аккредитациядан ўтган хорижий дипломатия миссиялари ва халқаро ташкилотлар вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Тақдимот иштирокчиларининг эътиборига ислом фани ва маданияти маркази сифатида эътироф этилган Ўзбекистон пойтахти тўғрисидаги батафсил маълумотар ҳавола этилди. Таъкидландики, айни пайтда юртимиз пойтахтида Имом ал-Бухорий номидаги Тошкент ислом институти, Кўкалдош мадрасаси ҳамда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган Тошкент ислом университети фаолият юритмоқда. Мазкур таълим муассасалари илоҳиётшунос ва диншунослар, ислом ҳуқуқи ва манбашунослик, халқаро иқтисодиёт ва информатика соҳалари мутахассисларини тайёрлайди.

Юртбошимизнинг интервьюси билан танишиб чиққан учрашув иштирокчилари унда мамлакатимизда жамиятни маънавий ривожлантириш, халқимизнинг тарихий ва маданий меросини, анъана ва урф-одатларини асраб-авайлаш борасида амалга оширилиб

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Йозеф Блаттер ва Муҳамад Хаммам Ал-Абдуллани мукофотлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасида футбол дастурларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга қўшган улкан ҳиссаси, ёш соғлом авлодни шакллантиришдаги иштироки ҳамда халқлар ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашдаги самарали фаолияти учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Дўстлик» ордени билан

Йозеф Блаттер — Халқаро футбол федерацияси президенти (ФИФА)

«Шуҳрат» медали билан

Муҳамад Хаммам Ал-Абдулла — Осиё футбол конфедерацияси президенти (АФК)

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 28 март.

ФИФА ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШРИФИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Халқаро футбол федерацияси — ФИФА президенти Йозеф Блаттер Ўзбекистон футбол федерациясининг янги биноси ва ФИФАнинг "Гол-1" лойиҳаси доирасида қурилган сунъий газонли футбол майдонининг очилишида иштирок этди.

ФИФА жаҳонда футболни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш мақсадида миллий футбол федерацияларига молиявий ёрдам кўрсатиб келади. Йозеф Блаттер 2004 йилнинг сентябрида Тошкентга ташрифи чоғида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида футболни янада ривожлантириш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар билан танишган ва сунъий газонли майдон қуриш учун Ўзбекистон Футбол федерациясига маблағ ажратилишини маълум қилган эди.

Мазкур федерация янги биносининг ёнида барпо этилган майдоннинг афзаллиги шундаки, унда йил бўйи футбол ўйнаш ва машғулотлар ўтказиш мумкин.

ФИФА президенти Ўзбекистон Футбол федерациясининг янги биносини ҳам кўздан кечирди. Ўзбек футболининг шонли анъаналари ва ҳамюртларимизнинг халқаро майдонларда қўлга киритаётган ютуқларидан далолат берувчи экспонатларга бой музей меҳмонда катта қизиқиш уйғотди.

Шунингдек, Йозеф Блаттер пойтахтимиздаги футбол бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби ва "Ўзбекистон" спорт мажмуи фаолияти билан танишди.

Халқаро футбол федерацияси президенти мамлакатимизда футболни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларга юксак баҳо берди. ФИФА билан Ўзбекистон ўртасида изчил ривожланиб келаётган ўзаро ҳамкорлик алоқалари бундан кейин янада мустаҳкамланишини алоҳида таъкидлади.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш ва таъмин этиш мужассам топган. Ипотека соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг такомиллаштирилиши эса аҳолига уй-жой олиши учун узоқ муддатли мақбул кредитлар бериш кўламларини кенгайтириш имкониятларини яратишга қаратилган бўлиб, у бир қанча иж-тимоий-иқтисодий вазифалар ечим топишига олиб келади, энг аввало, уй-жой шароитини яхшилашнинг амалий омилларини таъминлаш йўли билан фуқароларнинг турмуш даражасини оширади.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида»ги 2006 йил 24 майда қабул қилинган қарорини бажариш юзасидан тайёрланган «Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 241[1]-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 44-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонунни ҳам кўриб чиқдилар.

Мазкур Қонун тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга қаратилганлиги айтиб ўтилди. Жумладан, унда тадбиркорлик фаолияти субъектини давлат рўйхатидан ўтказишнинг белгиланган тартибини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланиши, шунингдек давлат рўйхатига олишнинг хабардор қилиш тартиби асосий принципларини қонунчилик даражасида жорий этиш назарда тутилган. Қонуннинг қабул қилиниши тадбиркорлик фаолияти субъектларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш учун қўшимча шароитлар яратади.

«Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 49-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги қонун ҳам сенаторлар томонидан кўриб чиқилди. Бунда Оила кодекси 49-моддасининг янги таҳрири никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш билан боғлиқ ишларни судларда ҳал қилиш жараёнига ижобий таъсир кўрсатади, дея қайд этилди. Оила қуришнинг мана шу ва бошқа нозик жиҳатларини ҳисобга олиб, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатларидаги зиддиятларни бартараф этиш мақсадида мазкур ҳуқуқий ҳужжатга киритилаётган ўзгартишлар никоҳланувчи шахслардан бири ўзида таносил касаллиги ёки одам иммунитети танқислиги вируси (ОИВ касаллиги) борлигини иккинчисидан яширганлиги суд томонидан никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилиши учун асос бўлишини аниқлаштириб қўймоқда. Қонун оилани мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 28 февралда қабул қилинган «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини бажариш тақозоси билан шакл топган «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун кўрилаётганда унинг йўловчилар ташиш хавфсизлигини янада пухтароқ таъминлашга ҳамда Ўзбекистон Республикасида автомототранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини бериш, ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тартибини такомиллаштиришга қаратилганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги қонуннинг баъзи моддаларига киритилаётган ўзгартишлар бу соҳадаги ҳуқуқий муносабатлар янада мукаммаллик касб этишига ёрдам беради.

Шундан кейин сенаторлар «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, шунингдек «Бюджет тизими тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунларни кўриб чиқдилар. Уларнинг биринчиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 сентябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан тайёрланганлиги қайд этиб ўтилди. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ўзи ўтказган текширишлар натижалари бўйича чиқарган кўрсатмаларни бажаришдан бош тортганлик ёки ўз вақтида бажармаганлик учун жавобгарлик чорасини назарда тутувчи 215[2]-модда билан тўлдирилди. Иккинчи қонундаги аниқлаштириш хусусиятига эга бўлган ўзгартиш ва қўшимчаларда Ҳисоб палатасининг Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари оқилона фойдаланилиши устидан молиявий назоратни таъминловчи юқори орган сифатидаги фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштиришга, барча даражадаги бюджетларни шакллантириш, кўриб чиқиш ҳамда қабул қилишда мазкур палатанинг ролини оширишга доир ҳуқуқий чоралар ҳам назарда тутилмоқда.

Юқори палата аъзолари шундан кейин «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги қонунни кўриб чиқдилар. Сўзга чиққанлар ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йод етишмаслигига барҳам бериш ҳамда йод етишмаслиги касалликлари келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида қабул қилинганлигини айтиб ўтдилар. Қонунда йод етишмаслиги касалликларининг ҳам оммавий тарздаги, ҳам якка тартибдаги профилактикасини тузни ва озиқ-овқат маҳсулотларини йодлаш, дори воситаларидан фойдаланиш йўли билан амалга ошириш назарда тутилмоқда. Бундан ташқари Қонунда йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ҳамда хавфсизлиги устидан давлат назорати, йод етишмаслиги касалликлари билан хасталаниш ҳолати ва бундай касалликлар профилактикасига доир чораларнинг самарадорлиги устидан назорат ҳамда мониторинг олиб борилиши белгиланмоқда.

Сўнгра Олий Мажлис юқори палатаси аъзолари «Ҳомийлик тўғрисида»ги қонунни кўриб чиқдилар. Шу аснода таъкидландики, мазкур Қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 январда қабул қилинган «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ тайёрланган бўлиб, ҳомийлик фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш асосларини белгилашга қаратилгандир. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатда ҳомийликни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қўллаб-қувватлаш шакллари, мамлакатимиз ҳудудида ҳомийлик фаолиятини кенг оммалаштириш ва ривожлантиришни кўзлаб ҳомийлик ташкилотларини ташкил этиш ҳамда фаолиятини йўлга қўйиш хусусиятлари белгилаб берилмоқда. Қонун ҳомийлик фаолияти тизими ривожини таъминловчи зарур ташкилий-ҳуқуқий шароитлар, иқтисодий ва молиявий механизмлар яратади. Бу эса Ўзбекистон халқининг табиатига хос меҳр ва раҳм-шафқат, мурувват, муҳтожларга ҳамиша ёрдам қўлини чўзиш сингари миллий фазилатлар кенг намоён бўлиши йўлида янгидан-янги имкониятлар очади.

Шундан кейин «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун кўриб чиқилди. Сенаторлар ўз сўзларида бу Қонун рангли металлар, уларнинг парча ва резги-чиқитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни ўтказиш қоидаларини бузганлик учун жиноий ва маъмурий жавобгарликни кучайтиришга қаратилганлигини таъкидладилар. Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши рангли металлар, уларнинг парча ва резги-чиқитларини мамлакатимиз сарҳадларидан ташқарига ғайриқонуний тарзда олиб чиқиш йўлидаги кўплаб уринишларнинг пайини қирқиш, рангли металлар, уларнинг парча ва резги-чиқитларини йиғиш, тайёрлаш, қайта ишлашнинг белгиланган тартибига риоя этилишини таъминлаши лозим бўлган мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ошириш йўли билан бу соҳада қонунийликни реал тарзда мустаҳкамлашга ёрдам беради.

«Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни леғаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни айрим моддаларининг амал қилишини вақтинча тўхтатиб туриш ҳақида»ги қонун ҳам Олий Мажлис юқори палатаси аъзолари томонидан кўриб чиқилди. Шунга алоҳида урғу бериб айтилдики, бу Қонун аҳолининг ва хўжалик юритувчи субъектларнинг банк тизимига бўлган ишончини янада ошириш ҳамда мазкур тизимда юридик ва жисмоний шахсларнинг депозит ҳисобваракларидаги омонатлари ҳажми барқарор ўсишини таъминлаш, ресурс базасини мустаҳкамлаш мақсадида қабул қилинган.

Кўриб чиқилган қонунлар Сенат томонидан маъқулланди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тўққизинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни тугади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати.

Тошкент – ислом дунёсининг муҳим маданий маркази

(Давоми. Боши 1-бетда).

лаётган давлат сиёсатининг барча муҳим жиҳатлари қамраб олинганини эътироф этди. Тақдимотда сўзга чиққан ISESCOнинг Эрондаги минтақавий ваколатхонаси раҳбари ўринбосари Али Иброҳимий Президент Ислом Каримовнинг интервьюсида Ўзбекистонда миллий мафкурани шакллантириш мақсадида ҳаётга татбиқ этилаётган кенг қамровли давлат сиёсати шарҳлаб берилганига диққат қаратди. ISESCO вакили давлатимиз раҳбари ёш авлодни миллий анъаналар руҳида тарбиялаш масаласига катта аҳамият бераётганини юксак баҳолади. Али Иброҳимий Ўзбекистон ислом цивилизацияси тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган буюк илм-фан арбоблари, алломалар, файласуф ва олимларнинг ватани эканига урғу берди. Унинг фикрича, Тошкент 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти, деган шарафли унвонга сазовор бўлгани Ўзбекистон раҳбарияти томонидан мамлакат жамиятининг маънавий-маърифий асосларини янада мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилаётган улкан ишларнинг халқаро эътирофи бўлди.

Эроннинг Россия, Марказий Осиё ва Кавказ муаммоларини ўрганиш бўйича институти директори ўринбосари Баҳром Амираҳмадиён Тошкент тарихнинг турли даврларида минтақада ва, умуман, ислом дунёсида муҳим маданий, илмий ва сиёсий марказ ролини ўйнаганини қайд этди. Сўнгги 15 йил ичида минтақада кўплаб ўзгаришлар юз берганига қарамай, Тошкент ўзининг бу ердаги етакчи мавқеини сақлаб қолди. Эронлик олимнинг айтишича, Тошкент ислом фанлари тараққиёти ҳамда Марказий Осиёда диний хизматчилар ва раҳбарларга таълим беришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИҲТ) Маданият институти директори, доктор Муҳаммад Ражабийнинг қайд этишича, Тошкент Ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилингани Эронда ва, умуман, мусулмон мамлакатларида ижобий қарши олинди.

М.Ражабий Ўзбекистон ва ислом дунёсининг шимолий минтақаси сўфийлик ҳамда «Нақшбандия» ва «Яссавия» тариқатлари маркази бўлганини таъкидлади.

М.Ражабий Ўзбекистонда Самарқанд ва Бухоро каби бой маданий-тарихий меросга эга бўлган қатор қадимий шаҳарлар мавжудлигини таъкидлаб, улар ҳам келажакда ислом маданияти пойтахти, деган фахрий номга сазовор бўлишига ўмид билдирди.

Эрон маданий мероси ахборот агентлигининг (Cultural Heritage News Agency) интернетдаги сайтида «Тошкент – ислом дунёсининг энг муҳим маданий марказларидан бири» сарлавҳаси остида форс тилидаги мақола эълон қилинди. Унда ўқувчилар эътиборига Президентимизнинг «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюси ҳамда Ўзбекистон элчихонасида ўтказилган тақдимот тўғрисидаги маълумотлар ҳавола этилган.

«Жаҳон» АА. Теҳрон.

МАМЛАКАТ бўйлаб

Ҳазорасп тумани марказида республика давлат-акциядорлик тижорат «Асака» банкининг молиявий ёрдами билан «Ҳазорасптекстиль» фабрикаси иш бошлади. Натижада 100 нафар киши доимий ишли бўлди.

«Ҳазорасптекстиль» иш бошлади

Фабрика Германия ва Чехиянинг замонавий технологиялари билан жиҳозланган бўлиб, йилига 1500 тонна ип-калава ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу — 2 миллион 175 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот, демакдир. Корхона жамоаси ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотнинг 1200 тоннасини, яъни 80 фоизини экспорт қилишни мўлжаллаб туришибди. Ҳозирда фабрика ишлаб чиқараётган маҳсулотга Польша, Россия ва бошқа давлатлар талабгорлик қилмоқда. Корхона «Ўзроммашимпекс» давлат акциядорлик ташқи савдо компанияси билан шартнома тузиб, дастлабки келтирилган 600 тонна пахта толасини қайта ишлашга киришди.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Янги шифохона

Вилоят силга қарши курашиш диспансери Самарқанд туманидаги Миронқўл қишлоғида барпо этилган янги, замонавий, 550 ўринли бинога кўчиб ўтди.

Икки йил давомида «Жайҳун» ишлаб чиқариш қурилиш фирмаси томонидан бу ердаги асосий учта бино реконструкция қилиниб, қўшимча бир неча бинолар ҳам қурилди. Қурилиш-монтаж ишлари учун вилоят маҳаллий бюджетидан 1 миллиард 800 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди.

Шифохонанинг очилиш маросимида иштирок этганлар янги маскандаги шароит ва имкониятларни юқори баҳолашди.

— Сил касалига чалинган беморларни даволашда атроф-муҳит мусаффолиги ҳам муҳим роль ўйнайди, — деди мазкур диспансер бош шифокори Толиб Турсунов. — Шу жиҳатдан олганда, шифохона учун тоғ яқинида, атрофи боғу роғлардан иборат ҳудуднинг танланиши кўнгилдаги иш бўлди. Янги бинога кўчиб ўтишимиз муносабати билан жиҳозлар ва кўплаб тиббий ускуналар ҳам янгиланди.

Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ҳиммат қил — ҳиммат кўрасан

Илмга ташна талаба, мен пул учун ўқияпман, деган гапни зинҳор айтмас. Лекин унинг тиришқоқлигини рағбатлантиришнинг ҳам зиёни йўқ.

Худди шу тамойилдан келиб чиқиб, «Қумқўрғон» хусусий савдо-ишлаб чиқариш корхонаси ўз маблағлари ҳисобидан тумандаги 2-ихтисослаштирилган мактабнинг аълочи ўқувчилари учун ойига 100 минг сўмдан пул ажратиб келмоқда. Бу пул ҳар ойнинг охирида ўн нафар аълочи ўқувчига стипендия тариқасида тақсимлаб берилади.

— Стипендияни биз ғазнадан шунчаки бериб юбормаймиз, — дейди корхона раҳбари Холмамат Норматов. — Жамоамиз вакиллари ўқувчиларнинг ўқиш ва яшаш шароитлари билан яқиндан танишмоқ учун тез-тез мактабга боришади. Суҳбатлар ўтказилади. Мактаб маъмурлари эмас, рағбатга лойиқ ўқувчини ҳар гуруҳдан синф жамоаларининг ўзлари аниқлаб берадилар. Эндиликда биз мактабга бир сидралик спорт анжомларини ҳадя қилишни мўлжаллаяпмиз.

Биз мактабнинг аълочи ўқувчилари билан гаплашганимизда, улар корхона бераётган стипендияни асосан дарсликлар ва бошқа бадиий-оммабоп китоблар ҳамда ўқув қуроллари харид қилишга сарфлаётганини айтишди. Биттаси ҳатто қишда юпунроқ юрган ўртоғига иссиқ кийим олиб берибди.

Корхонанинг кичкинагина ҳимматидан, қарангки, болаларнинг қалбида олижаноблик ҳислатлари уйғонмоқда.

Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Мурувват уйи»га мурувват

«Ижтимоий ҳимоя йили» дастурининг ижросини бажариш йўлида Жиззах вилоятида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Зомин туманидаги «Мурувват уйи» биноси ташқи канализация ҳамда ичимлик суви тизими билан бирга мукаммал таъмирланди. Бу ерда тарбияланувчиларга зарур шарт-шароит яратиш, ишчи-хизматчиларнинг самарали фаолият кўрсатишлари учун ҳомийлар томонидан жами 277 миллион сўм сарфланди.

Вилоятда ташкил этилган «Ижтимоий ҳимоя» жамғармаси Наврўз кунлари ўз маблағи ҳисобидан қайта капитал таъмирланган вилоят кўз касалликлари шифохонаси, Зомин тумани марказий шифохонаси, Зарбдор туманидаги заиф эшитувчи, кар-соқовлар махсус интернат-мактаблари бинолари ҳам фойдаланишга топширилди. Йил охиригача эса жами 12 та иншоотда салкам 5 миллиард сўмлик қурилиш ишларини бажариш кўзда тутилган. Маблағнинг асосий қисмини ҳомийлар жамғармаси ташкил этади.

Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Гулистон шаҳрининг рамзи

Сирдарё вилояти марказида курант қурилиб, ишга туширилди. Баландлиги ўттиз метр бўлган ушбу бино эндиликда Гулистон шаҳрининг рамзига айланди. У шаҳарнинг тўрт томонидан бирдай кўзга ташланади. Унинг ишга туширилишида шаҳардаги ўнлаб тадбиркорлар ҳиммат кўрсатдилар.

А.ХОНИМҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қутлуғ юбилей муносабати билан Марғилон шаҳрининг файзи, таровати, кўрки-чиройи янада ортиб бораяпти. Шаҳар кўчалари, мавзелари, маҳаллаларини кезсангиз, бунга яна бир бора гувоҳ бўласиз. Айниқса, самодаги қуш ўрнидан назар ташласангиз, ҳунармандлар, ипакчилар шаҳри улкан қурилиш майдонини эслатади. Кўчасига асфальт ётқизилмаган, ақалли битта қурилиш объекти кириб бормаган маҳалла, гузар қолмади. Жумладан, Бурҳониддин Марғиноний, Аҳмад Фарғоний, ибн Абдулазиз Марғиноний, Заҳириддин Абулмаъосин, шоира Увайсий сингари жаҳон билган олиму уламолар руҳини шод этишга алоҳида эътибор бериляпти.

ОРАСТАЛИККА ОШНО МАСКАН

Бундан саккиз йил аввал Бурҳониддин Марғиноний ҳазратларининг 1200 йиллик тўйи ЮНЕСКО шафъелигида, бутун дунё миқёсида кенг нишонланган, ҳадис илмининг билимдони шарафига мажмуа бунёд этилган эди. Шаҳар юбилейи боис буюк мутафаккир илмий мероси, Марғилонда кечган умр изларига яна қайтиш қилиняпти. У зоти муборакнинг чиллахонаси сақланиб қолган Пир Сиддиқ зиёратгоҳи тўлиқ қайтадан таъмирланиб, йирик ором-гоҳ сифатида бунёд этиляпти. Зиёратгоҳ ҳудуддаги масжид, минора, мақбарали ҳовли, дарвозахона, ҳатто каптархонанинг ўн-ўн икки асрлик тарихи Президентимиз ташаббусига кўра қайта тикланяпти. Энди зиёратгоҳнинг кенг ҳиёбонлари «Марғилон-Андижон» автомагистралига туташиб кетади. Чиллахона, рамзий мавзолей катта йўл бўйидан бемалол кўзга ташланиб туради. Бу ердаги қайта тиклаш, ободонлаштириш ишларини Тошкент шаҳридаги «Зарафшон-Файз» масъулияти чекланган жамияти ҳамда Тошлоқ туманидаги «Муштарий» кўп тармоқли фирмаси қурувчи-бунёдкорлари амалга оширишяпти.

Таъмирлаш ишлари боис археолог олимларга ҳам тадқиқот ишлари олиб боришга манба очилди. Тупроқ ишлари бажарилаётганда X-XII асрлар Темурийлар даврига оид қатламлар очилиб қолди. Энди тарихшунос олимлар бу ерлардан топилган сопол идишлар, ҳунармандлик намуналарини ўрганишга киришадилар.

Шаҳарнинг меҳмонлар ва сайёҳлар қадамлари аримайдиган масканлардан бири Саид Аҳмадхўжа эшон мадрасаси бўлиши, шубҳасиз. Бу тарихий масканни марғилонликлар эъзозлаб, «Шаҳарнинг очиқ осмон остидаги музейи», деб аташади. Мадрасанинг Шарқ меъморчилиги анъаналари руҳида бунёд этилган ва сақлаб қолинган ҳовлисида Марғилон ҳунармандчилиги, косиблар ижоди, шаҳарнинг ташриф тамғаси бўлган ипакчилик тарихининг ноёб намуналари жамланган.

Бу музей-қўриқхонани қайта таъмирлашга бутун мамлакатимиз усталари, меъморлар, қурувчилар ҳисса қўшди, десак муболаға бўлмайди. Барча ишларга бош-қош марғилонлик устазодалар билан бирга қўқонлик наққошлар, сирдарёлик қурувчилар, самарқандлик ва тошкентлик ёғочсоз усталар бамаслаҳат, ҳамжиҳат бўлиб меҳнат қилишяпти. Юртимизнинг турли бурчакларидан келиб, ота-боболаримиз санъати, ҳунари, меросини ардоқлаётган бу фидойи усталар ижоди, интилиши, иштиёқи туфайли ўзига хос, шарқона зиёратгоҳ-музей барпо этиляпти.

Ҳассос шоира Увайсий уй-музейини Қорақалпоғистондан ташриф буюрган «Эл таъмирлаш» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари бунёд этишяпти. Жамият раиси Рўзимбой Худойбергановнинг ўзи иш бошида. Бурҳониддин Марғиноний жамғармаси раиси Ўктамжон Эшонбоевнинг таъкидлашича, уй-музей тикланаётган жойдан, шоиранинг тўлиқ шажараси битилган манба ҳамда «Яхши меҳмонлар» деб номланган ғазали ҳам топилибди. Бу воқеа Орол-бўйидан ташриф буюрган яхши ниятли меҳмонларни кўп хушнуд қилди.

Шубҳасиз, юбилейга энг муносиб совғалардан яна бири шаҳарнинг шарқий дарвозаси, «Тошкент-Марғилон» йўли ёқасида бунёд этилаётган «Ёшлар хиёбони»дир. Чиндан ҳам, бу шаҳарликларнинг кўнглидаги, дилидаги, орзуларидаги масканлардан бири бўлаяпти. Бу ерда маданият ва истироҳат боғи, кўнгилочар гўшалар, хиёбонлар бор эди-ю, ёшлар мириқиб дам оладиган маскан йўқ эди. Энди 8,5 гектар майдонни ишғол этаётган оромгоҳ марғилонлик ёшлар учун энг севимли, суюмли гўшаларидан бирига айланиб қолиши, шубҳасиз.

Рамзийликни қаранг. Бу оромгоҳ шаҳарнинг Бурҳониддин Марғиноний ва Аҳмад Фарғоний номлари билан барпо этиляпти. Балки бу буюк ота-боболаримиз фарзандларига шундай жаннатмакон оромгоҳларни бунёд этишни ният қилишган бўлса, не ажаб?! Ҳозирда 500 ўринли амфитеатр, шарқона кўркам дарвоза, аквапарк, турли аттракцион мажмуалари қад ростлаётган бўлса, Қўқон шаҳар ҳокимлиги тўйга совға сифатида шарқона тўйхонаначойхона қуриб бераяпти.

Биз ҳали улуғ тўй муносабати билан тикланаётган, қад ростлаётган, ишга туширилаётган ўнлаб мактаблар, қўшма корхоналар, маданий муассасалар, 70 дан зиёд асфальт ётқизилган кўчалар, гузарлар таровати ҳақида сўз юритмадик. Буларнинг барчаси файзиёб шаҳарнинг қутлуғ тўйида кўз-кўз бўлиб туради.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

Ёшлар хиёбони келгусида Марғилон кўркига кўрк қўшади.

СУРАТЛАРДА: кошин устаси Бахтиёр Эшматов; ўймакор-наққошлар Дониёр Тожибоев ва Меҳмонали Абдуллаев иш устида. Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

Тошкентда "Дастурий таъминот соҳасида муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг долзарб муаммолари: қонунчилик ва уни амалга ошириш механизмлари" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда ҳуқуқшунос олимлар, мутахассислар, ахборот технологиялари соҳасида Ўзбекистон бозорида иш олиб бораётган корхоналар, жумладан, Microsoft, IBM, Oracle каби дастурий таъминот ва тизимли интеграторлар ишлаб чиқарувчи етакчи компаниялар вакиллари иштирок этди. Дастурий таъминот соҳасида муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмлари ва соҳада ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш юзасидан фикр алмашилди.

Мутахассисларнинг фикрича, жаҳонда дастурий таъминот соҳасида муаллифлик ҳуқуқлари бузилиш ҳоллари тобора кўпаймоқда. Бу эса ушбу соҳадаги халқаро ҳуқуққа оид ҳужжатларни янада такомиллаштиришни тақозо қилади. Жаҳонда дастурий таъминот соҳасида муаллифлик ҳуқуқлари бузилишининг бир фоизга камайиши тўрт юз миллиард АҚШ долларигача миқдордаги маблағни тежаш имконини беради.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги бош директорининг ўринбосари Алишер Ҳафизов бу борада юртимизда кенг кўламли ишлар изчиллик билан амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади. Жумладан, 1994 йили "Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида"ги, 2006 йили эса "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги қонунлар қабул қилиниб, ижроси изчил таъминланмоқда.

Дастурий таъминот соҳасида муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг Ўзбекистон қонунчилигида белгиланган ҳуқуқий механизмларига оид маълумотлар қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотди. Юртимизда бу борада орттирилган ижобий тажрибани бошқа мамлакатларда ҳам ўрганиш ва қўллаш юзасидан таклифлар билдирилди.

Ирода УМАРОВА,
ЎзА мухбири.

Таълим

Юртимизда ёшларнинг замонавий таълим олиши учун дунёнинг турли нуқталари билан узвий ришталар боғланган. Чунончи М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент филиали ана шундай даргоҳлардан биридир. Бу ерда юртимизнинг интеллектуал бойликлари, жаҳон фани ва маданиятининг энг илғор ютуқларини ўзида мужассам этадиган янги авлодни камол топтириш ва тарбиялаш бирламчи вазифа қилиб қўйилган. Зеро, демократик жамият қурилишида ислоҳотларни амалга ошириш кадрлар салоҳияти ва билимдонлигига боғлиқдир.

Бугуннинг бахтли болалари

2006-2007 ўқув йилида филиалга 80 нафар талаба қабул қилинган бўлиб (40 фоизи давлат гранти, 60 фоизи тўлов контракти ҳисобига), улар амалий математика ва информатика ҳамда психология факультетларида таҳсил олмоқдалар. Ўтган йилнинг ноябридан иш бошлаган тайёрлов курсида Тошкент шаҳри ва вилоятидан 70 нафар ўқувчи ўз билимини мустаҳкамламоқда. Яқин кунлар ичида курсни масофали ўқитишга ўтказиш режалаштирилган. Ана ўшанда республикамизнинг барча вилоятларидаги мактаб ўқувчилари бу ўқитиш усулидан бемалол фойдаланиш имконига эга бўладилар. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, кириш имтиҳонлари ёзма равишда анча аввал ўтказилиши сабабли, етарли балл тўплай олмаган абитуриентлар бошқа олий ўқув юртларига қайтадан ҳужжат топширишлари мумкин.

Куни кеча бўлиб ўтган «Очиқ эшиклар куни»да филиалнинг ижрочи директори, техника фанлари доктори, профессор Рустам Ҳамдамов мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган республика фанлар олимпиадаси иштирокчиларига шу ҳақда батафсил гапириб берди ҳамда уларнинг саволларига жавоб қайтарди. Ўқувчиларнинг юз-кўзларидаги ҳаётга ва билимга бўлган ташналикни кўрган кишининг дили яйрайди.

— Илм-фанни юқори поғоналарга кўтариш мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ устувор вазифа қилиб қўйилган эди, — деди Р. Ҳамдамов. — Буюк алломаларимиз асос солган илмий тафаккурни давом эттириш, янгича фикрлайдиган, изланувчан ёш авлодни тарбиялаш доимий вазифамиздир. Талабаларнинг ақлий ва маънавий салоҳиятидан Ватан ва халқ манфаатлари йўлида фойдаланиш келажагимизга мустаҳкам замин яратади. Ўтган йили ҳар бир талаба ўрнига 8-15 тадан ариза тушган эди. Бу йилги қабулда ушбу кўрсаткич янада ортади. Ўйлаймизки, бугун залда ўтирган 258 нафар ўқувчининг ҳеч бўлмаганда 50 нафари бизнинг талабамизга айланади.

Бухоро вилояти, Қоракўл туманидаги 1-ихтисослаштирилган иқтидорли болалар мактаб-интернати директори, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси, «Элюрт ҳурмати» ордени нишондори Тўхтамурод Жумаев эса ўз таассуротларини шундай ифодалайди:

— Бугуннинг болаларига ҳавас қилса арзийди. Уларнинг соғлом ўсиб, таълим ва тарбия олишлари учун давлатимиз ва ҳукуматимиз барча шарт-шароитларни муҳайё этмоқда. Ҳар йили республика фанлар олимпиадасида 9-10 нафар ўқувчимиз қатнашади. Битирувчиларнинг 80-90 фоизи олий ўқув юртларига ўқишга жойлашади.

Бугунги учрашув ҳам ниҳоятда мазмунли бўлди. Буларнинг барчаси юртимизда ёш авлодга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалий натижасидир.

Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Порахўрлик ва фирибгарликда айбланмоқда

Брюсселда Европа Иттифоқининг уч мансабдор шахси қамоққа олинди. Уларнинг ҳаммаси италиялик бўлиб, бири Еврокомиссия вакили, иккинчиси Европарламент депутати ёрдамчиси ва учинчиси ЕИнинг кўчмас мулки билан шуғулланувчи консорциуми бошқаруви аъзосидир.

Тергов жараёнига халақит бермаслик мақсадида уларнинг номлари сир сақланмоқда. Қўлга олинганлар порахўрликда, ЕИ га қарашли чет эллардаги биноларни қуришда буюртмачиларни танлаш ва иморатларни техник жиҳозлаш жараёнида фирибгарлик қилганликда айбланмоқда.

Можарони ҳал этиш йўли

Ар-Риёдда ўтган Араб Давлатлари Лигаси саммити қатнашчилари Фаластин — Исроил можаросини ҳал этиш бўйича аввалги лойиҳани қайтадан тақдим этишга бир овоздан келишиб олдилар. Бу лойиҳага биноан, Исроил 1967 йили босиб олган араб ерларидан чиқиб кетиши, Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғи ва Ғазо секторидаги Фаластин давлати мустақиллигини тан олиши ҳамда фаластинлик қочоқлар масаласида адолатли қарор қабул қилиши лозим.

Расмий Тел-Авив шу шартларга рози бўлса, араб давлатлари Исроилни мустақил давлат сифатида тан олишга тайёр.

Саммитда фахрий меҳмон сифатида иштирок этган БМТ Бош котиби Пан Ги Мун ва ЕИнинг ташқи сиёсат ва хавфсизлик бўйича олий комиссари Хавьер Солана бу ташаббусни қўллаб-қувватлашини билдирди.

Метро қурилишидаги фожиа

Пекинда янги қурилаётган метро йўналишидаги ер ости йўли қулаб тушди. Бу йўналиш мамлакат пойтахти марказини 2008 йилда Олимпиада ўтадиган шаҳарча билан боғлайди. Дастлабки маълумотларга қараганда, олти қурувчи ер остида қолган. Фожиа содир бўлган жойда қидирув-қутқарув ишлари олиб борилмоқда. Қутқарувчиларнинг фикрича, ер тагида қолганлар ҳалок бўлишган.

Ер ости йўли нима сабабдан қулаб тушгани ҳозирча номаълум. Метро қурилиши учун масъул бўлган шахслар воқеани шарҳлашдан бош тортишди.

Хабарингиз бор, шу йил 23 март куни Эрон чегара қўшинлари Форс кўрфазида мамлакат ҳудудини бузганликда айблаб Буюк Британия кемасини қўлга олганди. Буюк Британия ташқи ишлар маҳкамаси вакилининг таъкидлашича, кема Ироқ ҳудудида ушланган.

Чегара бузилганмиди?

Куни кеча Эроннинг Al-Alam давлат телеканали қўлга олинган британиялик матрослар ва денгиз пиёдалари тасвирланган видеотасмани эфирга узатди. Унда қўлга олинганлар орасидаги ягона аёл Фей Терни шундай деди: «Мени 23 март куни қамоққа олишди. Биз уларнинг ҳудудига кирган бўлсак керак». Аёл ўзга давлат чегарасини бузганликларидан афсусда эканлигини ҳам билдирди.

«Associated Press» хабарида айтилишича, Буюк Британия ҳукумати бу ҳолдан норози бўлган ва видеотасманинг кўрсатилишини денгизчиларни ҳақоратлаш деб баҳолаган.

Энг баланд бино



Чикаголик меъмор Сантьяго Калатрава ўзи яратган осмонўпар бино лойиҳасини мутахассислар эътиборига ҳавола этди. У Чикагода қурилади. 150 қаватли бу бинонинг баландлиги 609 метрни ташкил этади. Осмонўпар бинода 1200 оила истиқомат қилиши мумкин. Бино тагида 1350 та машинага мўлжалланган гараж ҳам бунёд қилинади.

Апрель ойининг бошида шаҳар маъмурияти ушбу лойиҳани ўрганиб чиқиши керак.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

УЛЬЯНОВСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ДИЛЕРИ

«VOSTOK RUS AVTO» МЧЖ

Тел./факс: 149-33-69, 150-20-43. Манзил: Тошкент ш., Беруний к., 83-уй.

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚК

(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)

«Сигнал» (Россия) ва «Газдевайс» ЁАЖ (Россия, Москва) компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).



Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН

замонавий электрон газ ўлчагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача).
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача).
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи.
Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

Тиббиёт, илмий-ишлаб чиқариш ва озиқ-овқат саноати ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН-ҲИНДИСТОН

«КАФОЛАТ КАПУР ФЕЙШН» ҚК

Фақат биздан Ҳиндистоннинг «ХайМедиа Лабораториз Пвт. Лтд.» компаниясида ишлаб чиқарилган қуйидаги юқори сифатли маҳсулотларни харид қилишингиз мумкин:

- 2000 дан ортиқ турдаги бактерия, замбуруғ ва йўсинларни ўстириш (кўпайтириш) учун **мосланган муҳитлар**;
- 2000 дан ортиқ турдаги **кимёвий реактивлар**;
- барча турдаги лабораториялар учун **лаборатория идишлари ва сарфлаш материаллари**.

Маҳсулотларга халқаро ва Европа сертификатлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида расмий рўйхатдан ўтганлик ҳақидаги ҳужжатлар илова қилинади.

Шунингдек, Россия ва Европа ишлаб чиқарувчиларининг **тиббий ва лаборатория ускуналари** ҳамда мебелларини таклиф этамиз.

Таклиф этилаётган маҳсулотлар Тошкентдаги омбордан етказиб берилади.

Маҳсулотларни алоҳида буюртмалар бўйича етказиб бериш имконияти мавжуд.

Маълумот учун телефонлар: 118-55-23, 118-52-96, 406-91-55.

Российский линолеум

Обои виниловые

Форма оплаты — любая
Товар сертифицирован

тел. 134-48-11
303-38-77
факс 134-49-58

ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ХАБАРИ

ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ РЕЕСТРИ ҲИСОБИДА ТУРУВЧИ БАНКЛАР РЎЙХАТИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки.
2. Давлат-акциядорлик тижорат «Асака» банки.
3. Ўзбекистон акциядорлик тижорат саноат-қурилиш банки.
4. Акциядорлик тижорат «Ипотекабанк»и.
5. Акциядорлик тижорат «Пахтабанк»и.
6. Акциядорлик тижорат «Ғаллабанк»и.
7. Акциядорлик тижорат «Турон» банки.
8. Акциядорлик тижорат банки — «Микрокредитбанк».
9. Ўзбекистон-Германия «Савдогар» акциядорлик тижорат банки.
10. Акциядорлик тижорат «Алоқабанк»и.
11. Акциядорлик инновация тижорат «Ипак Йўли» банки.
12. Акциядорлик тижорат «Ҳамкорбанк»и.
13. Акциядорлик тижорат «Капиталбанк»и.
14. Хусусий акциядорлик биржа банки — «Трастбанк».
15. Хусусий ёпиқ акциядорлик тижорат «Парвинабанк»и.
16. Хусусий очиқ акциядорлик тижорат «Алп Жамол Банк»и.
17. Хусусий очиқ акциядорлик тижорат инвестиция «Туркистон» банки.
18. Хусусий ёпиқ акциядорлик тижорат «Давр-банк»и.
19. Хусусий очиқ акциядорлик тижорат «Ўктамбанк»и.
20. Хусусий ёпиқ акциядорлик тижорат «Самарқанд» банки.
21. Хусусий очиқ акциядорлик тижорат «Универсалбанк»и.
22. Хусусий очиқ акциядорлик тижорат «Равнақбанк»и.
23. Хусусий очиқ акциядорлик тижорат «Кредит-Стандарт» банки.
24. «ЎзКДБ Банк» ёпиқ акциядорлик жамияти.
25. Ўзбек-Турк қўшма банки — «ЎТ-Банк».
26. «АБН АМРО Банк Ўзбекитон МБ, ХЖ».
27. Эрон «Содерот» банкининг Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳридаги шўъба банки.

Ушбу банклардаги аҳолининг омонатлари фонд томонидан қонунчиликка мувофиқ кафолатланган.

MANAGEMENT CONSULTING

Бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш

ISO 9001, OHSAS 18001, ISO 14001, ISO/TS 16949, HACCP (ISO 22 000), ISO/IEC 27001, AS 9100 халқаро стандартлари талаблари асосида бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш

ISO 9001

Бошқарув тизимида ходимларни ўқитиш ва тайёрлаш, сертификация ва назорат аудитларини ўтказиш.

Шунингдек, ҳужжатларнинг электрон бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича хизматлар кўрсатилади.

Компания мижозлари:
- «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» УШК
- «Муборакнефтгаз» УШК
- «Жанубий газ қурилиш» ОАЖ
- «Қашқадарёгазсаноатқурилиш» ОАЖ
- «Rubicon Wireles Communication» ҚК
- «УзДонгВон КО» ҚК
- «UZEXIDE» ҚК
- «АВТООЙНА» ОАЖ
- «ТАТ-Реестр» МЧЖ
- «Vinlad» ИИК ва бошқалар.

Тел.: (+998 71) 132-12-55, 136-14-09, 154-66-98.
Факс: (+998 71) 132-20-83.
e-mail: info@mc.uz http://www.mc.uz

Хизматлар лицензияланган

Мамлакатимизда баркамол янги авлод вояга етмоқда. Ҳаётнинг турли соҳаларида ўзининг эришган ютуқлари билан Ватанимиз номини дунё миқёсида шарафлаётган ёшлар сафи тобора кенгайиб бораяпти. Буни Париждан олинган қуйидаги хушхабар ҳам яна бир марта баралла тасдиқлайди: салоҳиятли ўзбек қизи, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Биоорганик кимё институти илмий ходими Барно Султонова ЮНЕСКО-Л'Ореаль мукофотига лойиқ топилди.

Ўзбек қизига – ЮНЕСКО мукофоти

Шу ўринда зарур бир изоҳ: ушбу халқаро мукофот ЮНЕСКО ташкилоти ва дунёда йирик Л'Ореаль косметик компанияси ҳамкорлигида 1998 йилда таъсис этилган. Бу мукофотдан кузатилган асосий мақсад — дунёнинг барча қитъаларида табиий фанлар йўналишида тадқиқотлар олиб бораётган ёш олима аёлларни қўллаб-қувватлаш ҳамда илмий изланишларда эришган натижаларини ҳаётга татбиқ этишда уларга кўмаклашишдан иборатдир. Барно Султонова ўзининг «Бактериал целлюлоза асосида композицион мембраналар» деган мавзудаги лойиҳаси учун ана шу мукофот соҳибаси бўлди.

Мазкур лойиҳанинг аҳамиятли жиҳати нимада? Ёш олима бактериал целлюлоза асосида қуйишдан орттирилган ва бошқа хил жароҳатларни даволашда қўлланиладиган ва табиий дори-дармонларни яратишга қаратилган илмий изланишларни олиб бормоқда. Бу соҳада дастлабки амалий ютуқларни ҳам қўлга киритди.

Кимё фанлари доктори, профессор Аббосхон Тўраевнинг илмий раҳбарлигида тадқиқотлар олиб бораётган Барно Султонова табиий полисахарид бактериал целлюлозанинг афзалликларини илм-фанда исботлашга интилаяпти. Бактериал целлюлоза кимёси умуман целлюлоза кимёси фанининг энди қуртак ёйиб келаётган йўналишларидан биридир.

Совриндорларни мукофотлаш маросими ЮНЕСКО бош қароргоҳида бўлиб ўтди. Унда ЮНЕСКО ва Л'Ореаль компанияси раҳбарияти, дунёнинг таниқли илм-фан намояндалари, Франция ҳукумати, хорижий дипломатик ваколатхоналар вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар. Барно Султонованинг ўз илмий изланишлари ҳақида инглиз тилида қилган тақдимномаси тадбир қатнашчиларининг олқишларига сазовор бўлди. Барно ўз она тили билан бир қаторда немис, инглиз ва рус тилларини ҳам мукаммал билади.

Таъкидлаш жоизки, ушбу халқаро мукофот учун танловда 190 дан ортиқ давлатдан юзлаб номзодлар қатнашди. Шунинг ўзи бу мукофотнинг қанчалик нуфузли эканлигидан далолат беради. ЮНЕСКОдаги йирик халқаро танловда ҳамюртимиз 15 нафар ғолибдан бири бўла олганлиги бизни беҳад қувонтиради ва ғурурлантиради.

Шуни айтиш керакки, Барно Султонова жорий йилнинг октябрь ойидан бошлаб, ҳозирча бир йиллик муддат давомида Германиянинг Фридрих Шиллер номидаги университети Органик ва макромолекуляр кимё институтида ўз тадқиқот ишларини давом эттиради. Илмий стажировка ЮНЕСКО ва Л'Ореаль компанияси ҳомийлигида ўтади.

Яна бир маълумот. Ўтган йили ЮНЕСКОнинг танловларида қатнашиб, ғолиб бўлган ёш олималардан бири ҳам ўзбек қизи — Дилфуза Эгамбердиева эди. Бу нимадан далолат беради? Бу ҳақиқатлар эркин, ҳур ривожланиш даврида камол топаётган ўзбек ёшлари бошқалардан зиёд бўлса зиёдки, асло кам эмасликларини кўрсатмоқда.

Ёш олималарга мукофотларни топшириш маросимида сўзга чиққан ЮНЕСКОнинг Табиий фанлар бўйича бош директори ўринбосари Валтер Эрделеннинг фикрлари диққатга сазовордир. У шундай деди:

— Мен учун Ўзбекистон тўғрисида гапириш катта шараф. Келажаги порлоқ вакилингизни ЮНЕСКО-Л'Ореаль мукофотига сазовор бўлганлиги билан чин юракдан муборакбод этаман. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистонда илм-фан даражаси юқорилигидан далолат беради. Ҳозирги кунда олимлар олдида ҳал қилинадиган долзарб муаммолар турибди. Жумладан, иқлимнинг ўзгариши, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, биологик тоза маҳсулотлар етиштириш каби бир қатор масалалар кўриб чиқиляпти. Бу муаммолар бўйича бирғалликда фаолият олиб боришда Ўзбекистоннинг ЮНЕСКОга аъзо давлат сифатида тутган ўрни муҳим, деб ўйлайман. Ўзбек қизининг ушбу мукофотга сазовор бўлиши юртингизда таълим тизими нақадар тўғри йўлга қўйилганлигидан далолат беради. Бу тизим фақат билимли кадрларни етиштирибгина қолмасдан, шу билан бирга, бутун жамиятни жадал ривожлантиришга хизмат қилади.

Михли САФАРОВ.

СУРАТДА: ЮНЕСКО Бош директори Коичиро Мацуура, Л'Ореаль компанияси президенти Линдсей Овен Жонс ва ЮНЕСКО-Л'Ореаль мукофоти совриндори Барно Султонова.

Истиқболимиз тимсоллари

Ўтган йили ЮНЕСКОнинг танловларида қатнашиб, ғолиб бўлган ёш олималардан бири ҳам ўзбек қизи — Дилфуза Эгамбердиева эди. Бу нимадан далолат беради? Бу ҳақиқатлар эркин, ҳур ривожланиш даврида камол топаётган ўзбек ёшлари бошқалардан зиёд бўлса зиёдки, асло кам эмасликларини кўрсатмоқда.

ALP JAMOL BANK

қуйидаги «НАВБАҲОР» номли миллий ва хорижий валютадаги янги омонат турларини таклиф этади:

миллий валютада йиллик 18% устама ҳақи билан

Энг кам омонат миқдори — 100 000 сўм.
Сақлаш муддати — 3 ой.

9% йиллик устама ҳақи билан АҚШ долларида

Энг кам омонат миқдори — 500 АҚШ доллари.
Сақлаш муддати — 6 ой.
Ушбу омонат турида аванс тариқасида тўланадиган фоизлар омонат очилган пайтдаги Марказий банк томонидан белгиланган курс бўйича сўмда тўланади.

11% йиллик устама ҳақи билан АҚШ долларида

Энг кам омонат миқдори — 500 АҚШ доллари.
Сақлаш муддати — 12 ой.
Ушбу омонат турида аванс тариқасида тўланадиган фоизлар омонат очилган пайтдаги Марказий банк томонидан белгиланган курс бўйича сўмда тўланади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига кўра, барча омонатлар Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан суғурта қилинган.

Мурожаат учун банк филиали ва мини банклари манзили ва телефон рақамларини эслатиб ўтамиз:

Тошкент ш., М.Отатурк к., 21-уй. *(мўлжал: «Зарафшон» ресторани)*, тел.: 132-16-00.

«Чилонзор» мини банки, Чилонзор т-ни, 7-мавзе. Тел.: 367-92-48.

«Россия» мини банки, Яккасарой т-ни, Қунаев к, 3-уй. Тел.: 133-60-12.

«Қатортол» мини банки, Чилонзор т-ни, "Қатортол» к., 60-уй. Тел.: 173-55-52.

«Олмазор» мини банки, Чилонзор т-ни, «Олмазор» м-си, 8/1. Тел.: 144-39-37.

«Мадамин» мини банки, Миробод т-ни, «Мовароуннаҳр» к., 16-«А» уй. Тел.: 136-29-94.

«Абу-сахий» мини банки, Чилонзор т-ни, «Халқлар дўстлиги» к., 156-«А» уй. Тел.: 150-66-51/52.

«Тожмаҳал» мини банки, Тошкент ш., А.Қодирий к., 23-уй. Тел.: 150-66-57/58.

«Нукус» мини банки, Нукус ш., «Қорақалпоғистон» к., 9-уй. Тел.: 8-361222-47-78.

Қарши шаҳри, «Ўзбекистон» кўчаси, 256-уй. Тел.: 150-66-91, 8-375-221-10-44.

«Косон» мини банки, Косон ш., С.Умаров к., 47-уй. Тел.: 8-590-716-03-02.

«Шаҳрисабз» мини банки, Шаҳрисабз ш., Шерозий к., 2-уй. Тел.: 8-375-52-2-29-23.

«Термиз» мини банки, Термиз ш., Ат-Термизий к., 14-уй. Тел.:8-376-227-30-38.

Қибрай шаҳарчаси, Зебунисо кўчаси, 7-«А» уй. Тел.:150-66-90, 60-58-92.

«Чирчиқ» мини банки, Чирчиқ ш., А.Навоий к., 181-уй. Тел.: 8-271-6-67-33 .

Зангиота тумани, Охунбобоев кўчаси, 20-уй. Тел.: 150-20-45.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 72-сонли лицензияси.

Биринчи давра якунлари:

Жамоамиз иккинчи ўринда

Футболчиларимиз «Пекин—2008» Олимпиадаси гуруҳ босқичининг биринчи даврасини иккинчи ўрин билан якунлашди.

Куни кеча Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси Жанубий Корея футболчиларига қарши майдонга тушиб, 0:2 ҳисобида имкониятни бой берди. Гурухдаги иккинчи учрашувда Бирлашган Араб Амирликлари олимпиячилари Яман футболчиларини 2:1 ҳисобида доғда қолдирдилар.

Ҳозирча **«F» гуруҳида** Жанубий Корея футболчилари 9 очко билан пешқадамлик қилишмоқда. Ҳамюртларимиз уч ўйиндан 6 очко тўплаб, иккинчи ўринда боришаяпти. БАА футболчилари 3 очко жамғаришган. Яман футболчилари ўтказилган барча учрашувларда мағлубиятга учраган. Гуруҳдан иккита жамоа кейинги босқичга йўлланма олади. Ҳамюртларимизда кейинги босқичга чиқиш учун ҳали имконият етарли.

«А» гуруҳи: Кувайт сафарда ўйнашига қарамай, Покистон Олимпия терма жамоасини 3:0 ҳисобида доғда қолдирди. Бахрайн — Қатар учрашувида 4:2 натижаси қайд этилди. Гуруҳ жадвали қуйидагича кўриниш олган: Кувайт — 7, Бахрайн — 6, Қатар — 4, Покистон — 0 очко.

«В» гуруҳи: Япония олимпиячилари Сурия футболчиларини 3:0 ҳисобида енгиб, кейинги босқичга чиқиш масаласини деярли ҳал қилишди. Гонконг жамоаси ўз майдонида Малайзиядан 0:1 ҳисобида енгилди.

Бу гуруҳда турнир жадвали қуйидагича: Япония — 9, Сурия — 6, Малайзия — 3, Гонконг — 0 очко.

«С» гуруҳи: Уммон футболчилари Вьетнам олимпиячиларини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Ливан — Индонезия 2:1. Гуруҳ жадвали қуйидагича: Уммон — 6, Вьетнам — 6, Ливан — 6, Индонезия — 0 очко.

«D» гуруҳи: Учинчи турда гуруҳнинг кучли жамоалари Саудия Арабистони ва Австралия ўзаро тўқнаш келишди. Николай Топор-Стэнли ва Кристиан Саркис киритган голлар (2:0) яқинда ОФКга аъзо бўлган Австралия футболчиларининг ғалабасини таъминлади. Эрон — Иордания учрашуви дуранг (0:0) билан якунланди. Гуруҳ жадвали қуйидагича: Саудия Арабистони — 6, Австралия — 5, Иордания — 2, Эрон — 2 очко.

«Е» гуруҳи: КХДР футболчилари сафарда Ҳиндистон жамоасини 2:0 ҳисобида енгиб, гуруҳ етакчисига айланишди. Ироқ — Таиланд учрашувида 1:1 ҳисоби қайд этилди. Гуруҳ жадвали қуйидагича: КХДР — 7, Ироқ — 5, Таиланд — 4, Ҳиндистон — 0 очко.

Иккинчи давра ўйинлари 18 апрель куни бошланади. Шу куни Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси Жанубий Корея футболчиларини қабул қилади.

● Футбол майдонларида

Блохин шогирдлари пешқадам

Яшил қитъада «Евро—2008» саралаш учрашувлари давом этмоқда.

Олег Блохин бошчилигидаги Украина терма жамоаси Одессадаги «Черноморец» стадионида Литва футболчиларини 1:0 ҳисобида доғда қолдирди. Аҳамиятлиси, ушбу ғалабадан сўнг Украина футболчилари Франция ва Шотландия каби кучли терма жамоаларни ортда қолдириб, «В» гуруҳида биринчи ўринга кўтарилиб олди. Эслатиб ўтамиз, украиналиклар беш ўйиндан 12 очко жамғаришган.

Саралаш учрашувларининг қолганларида қуйидаги натижалар қайд этилди: Чехия — Кипр 1:0, Болгария — Албания 0:0, Венгрия — Молдова 2:0, Руминия — Люксембург 3:0, Исроил — Эстония 4:0, Ирландия — Словакия 1:0, Лихтенштейн — Латвия 1:1, Мальта — Греция 0:1, Шимолий Ирландия — Швеция 2:1, Уэльс — Сан-Марино 3:0, Грузия — Фарьер ороллари 3:1, Туркия — Норвегия 2:2, Озарбойжон — Финляндия 1:0, Польша — Арманистон 1:0, Сербия — Португалия1:1, Словения — Голландия 0:1, Италия — Шотландия 2:0, Андорра — Англия 0:3, Испания — Исландия 1:0

З. ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИНИНГ

«УНИВЕРСАЛ БИРЖА МАРКАЗИ» МЧЖ

2007 йил 1 май куни соат 11.00да Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан тақдим этилган Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Ҳамза кўчаси, 2-уйда жойлашган «Toshqishloqmash» ОАЖга тегишли қуйидаги мулкларни қўймоқда:

- 12.09.2006 йилдаги 10-0611/11268-сонли ижро ҳужжатига асосан, 1931 йилда қурилган жами 3762 кв.м.дан иборат фотолаборатория биноси ва иншоотлари.
  Бошланғич баҳоси — 55 663 488 сўм 06 тийин.
- 12.09.2006 йилдаги 10-0611/11269-сонли ижро ҳужжатига асосан, жами 1256 кв.м.дан ташкил топган 33-сонли цех биноси ва иншоотлари.
  Бошланғич баҳоси — 17 500 319 сўм 48 тийин.
- 24.04.2006 йилдаги 10-0511/5061-сонли ижро ҳужжатига асосан, жами 1748 кв.м.дан ташкил топган 36-сонли цех биноси ва иншоотлари.
  Бошланғич баҳоси — 17 777 994 сўм.

Қизиқиш билдирган харидорлар ушбу мулкларни суд ижрочилари бўлинмаси вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб кўриши мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов топшириқномасида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдорида закалат пулини Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» мини банкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001-ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй, тел.: 138-69-94, 138-69-93.

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

ЭГАЛЛАНГАН ЛАВОЗИМЛАРГА ҚУЙИДАГИ КАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Шошилинч тиббий ёрдам кафедраси — 2 та ассистент
2. Умумий амалиёт врачлари кафедраси — профессор
3. Ультратовуш диагностикаси кафедраси — доцент
4. Ички касалликлар ва телемедицина — ассистент
5. 2-акушерлик ва гинекология кафедраси — ассистент
6. 1-стоматология кафедраси — профессор
7. 2-стоматология кафедраси — кафедра мудири
8. Хирургик стоматология кафедраси —доцент
9. Соғлиқни сақлашни ташкил қилиш; бошқариш ва молиялаштириш кафедраси — 2 та катта ўқитувчи
10. Соғлом турмуш тарзи кафедраси — доцент
11. Оториноларингология кафедраси — доцент
12. Неврология кафедраси — ассистент
13. Гигиена кафедраси — 2 та катта ўқитувчи, ассистент
14. Патанатомия ва суд тиббиёти кафедраси — кафедра мудири
15. Гематология ва трансфузиология кафедраси — ассистент.

Телефон: 68-27-54.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази жамоаси етакчи мутахассис Ўткир Жўраевга волидаи муҳтарамаси

ХАДИЧА аянинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти жамоаси Адабиёт назарияси бўлимининг собиқ катта илмий ходими, филология фанлари номзоди, Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камолга турмуш ўртоғи

Воҳида ҲАМИДОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Республика Синов ва сертификатлаштириш маркази жамоаси Тошкент шаҳар синов ва сертификатлаштириш маркази директори Рустам Джабборовга волидаи муҳтарамаси

МУХАРРАМ аянинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти жамоаси Ўқув театри оркестри артисти Жалолиддин Зуҳриддиновга падари бузруквори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Зуҳриддин МУҲИДДИНОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Мадад» суғурта агентлиги жамоаси Самарқанд вилояти филиали директори Қодиржон Баҳроновга отаси

Иноқилоб ОТАҚУРБОНОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 42233 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.20 Топширилди — 01.25 23456